

Сийрат дарслари (62-дарс). Шайтон бурун ичида тунайди



15:40 / 06.12.2019 5975

301. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бирортангиз таҳорат қилса, бурнига олган сувни чиқариб ташласин, ким тош билан истинжо қилса, тоқ қилсин. Агар уйқусидан уйғонса, қўлини уч марта ювмай туриб, уни идишга солмасин, чунки бирортангиз қўли қаерда тунаганини билмайди»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

302. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Бирортангиз уйқусидан уйғонса, бурнини уч марта чайсин. Албатта шайтон унинг бурни ичида тунайди»**.

Муслим ривоят қилган.

303. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Албатта, умматим Қиёмат куни таҳоратнинг асаридан пешоналари оппоқ ва оёқ-қўлларида нур таралиб турган ҳолларида чақирилишади. Демак, сиздан ким ўз**

пешонасидаги қашқасини узайтиришга қодир бўлса, шуни қилсин», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан